

ЁШЛАРДА УМУРТҚАЛАРАРО ДИСК ЧУРРАЛАРИДА МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

Азимов У.М.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Долзарблиги

Умurtқалараро диск чурралари бугунги кунда ёшлар орасида энг кўп учрайдиган дегенератив касалликлардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мазкур патологиянинг ёшларда тобора кўпайиб бораётганлиги унинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини янада оширмоқда. Камҳаракат турмуш тарзи, узок вақт мажбурий статик ҳолатда бўлиш, жисмоний юкламаларнинг нотўғри тақсимланиши, спорт машғулотлари вақтида юзага келадиган жароҳатлар ҳамда модда алмашинувининг бузилиши умurtқалараро дискларда дегенератив жараёнларнинг эрта ривожланишига сабаб бўлади.

Умurtқалараро диск чурраси шаклланишида дискнинг морфологик қайта қурилиши муҳим ўрин тутди. Пульпоз ядро таркибида сув миқдорининг камайиши, фиброз ҳалқанинг механик мустаҳкамлигининг сусайиши ва коллаген толаларининг дезорганизацияси дискнинг функционал хусусиятларини издан чиқаради. Бироқ ёшларда ушбу ўзгаришларнинг умurtқа поғонасининг турли бўлимларида намоён бўлиш хусусиятлари ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган.

Калит сўзлар: умurtқалараро диск чурраси, морфология, морфометрия, дегенератив-дистрофик ўзгаришлар, МРТ, КТ, бел қисми, бўйин қисми, ёшлар.

Тадқиқот мақсади

Ёшларда умurtқалараро диск чурраларида кузатиладиган морфологик ўзгаришларни умurtқа поғонасининг турли анатомик бўлимлари кесимида қиёсий баҳолаш.

Материал ва усуллар

Тадқиқотга 18–35 ёш оралиғидаги умуртқалараро диск чурраси ташхиси қўйилган беморлар жалб қилинди. Барча беморларда клиник текширувлар билан бир қаторда магнит-резонанс томография (МРТ), компьютер томографияси (КТ) текширувлар ўтказилди.

Дискларнинг морфометрик кўрсаткичлари, жумладан диск баландлиги, олд-орқа ва кўндаланг диаметри, чурранинг ҳажми ва локализацияси, умуртқа канали билан ўзаро муносабати ҳамда дегенератив ўзгаришлар даражаси баҳоланди. Морфологик таҳлил жараёнида фиброз ҳалқа ва пульпоз ядронинг структураси, дегидратация белгилари ва диск тўқимасидаги дегенератив ўзгаришлар ҳисобга олинди.

Натижалар

Тадқиқот натижалари умуртқалараро диск чурралари кўпроқ бел қисмида, айниқса L4–L5 ва L5–S1 сегментларида учрашини кўрсатди. Бу сегментларда механик юклама юқори бўлганлиги сабабли морфологик ўзгаришлар бошқа бўлимларга нисбатан анча яққол ифодаланди. Бўйин қисмида эса патологик жараёнлар асосан C5–C6 ва C6–C7 дискларида кузатилди.

МРТ маълумотлари бўйича чурра мавжуд дискларда пульпоз ядро сигнали интенсивлигининг пасайиши, диск дегидратацияси, диск баландлигининг камайиши ва фиброз ҳалқанинг яхлитлиги бузилиши қайд этилди. МСКТ ёрдамида эса умуртқа таналаридаги субхондрал склероз, остеофитлар шаклланиши ва умуртқа сегментларининг дегенератив қайта қурилиши аниқланди.

Морфометрик таҳлил диск баландлиги ва диаметрининг пасайиши чурранинг ҳажми ортиши билан боғлиқлигини кўрсатди. Шунингдек, дискнинг орқа қисмида морфологик ўзгаришлар олд қисмига нисбатан кўпроқ учраши кузатилди. Ёш ва жинс омилларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида эркакларда дискларнинг чизикли ўлчамлари нисбатан

каттароқ бўлишига қарамасдан, дегенератив жараёнларнинг ривожланиш хусусиятлари аёлларда ҳам ўхшаш даражада намоён бўлиши аниқланди.

Хулоса

Ёшларда умуртқалараро диск чурралари шаклланиши диск тўқимасида кечадиган морфологик қайта қурилиш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Морфологик ўзгаришларнинг энг юқори даражаси бел ва бўйин бўлимларида кузатилиб, улар диск баландлигининг камайиши, пульпоз ядро дегидратацияси, фиброз ҳалқанинг структураси бузилиши ҳамда дегенератив-дистрофик жараёнларнинг кучайиши билан намоён бўлади.

MPT ва MCKT маълумотларини морфометрик таҳлил билан биргаликда қўллаш патологик жараёнларни эрта босқичда аниқлаш, чурранинг ривожланиш хусусиятларини объектив баҳолаш ва даволаш тактикасини танлашда юқори диагностик аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Чаплыгина Е.В., Кучиева М.Б., Калашаов Б.М. Анатомическая изменчивость шейного отдела позвоночного столба в возрастном, половом и типовом аспектах. Возможности и перспективы изучения // Современные проблемы науки и образования. 2021. № 3. С. 178.
2. Черкасов А.Д., Зосеева А.М. МРТ исследование причин возникновения болевых синдромов в спине и остеохондроза позвоночника // Национальная ассоциация ученых. 2021. № 74-2. С. 29-34.
3. Шершнёв В.В. Значение результатов лучевого исследования у больных дегенеративно-дистрофическими поражениями позвоночника



при оформлении медицинской документации на санаторно-курортное лечение. Вестник Российской военно-медицинской академии. 2023;3(47)

4. Krestan C., Greitbauer M. Trauma an Brustwirbelsäule und knöchernem Thorax [Trauma to the thoracic spine and chest] // Radiologe. 2020. Vol. 60 (7). P. 610-623. DOI: 10.1007/s00117-020-00712-3. PMID: 32601929.

5. Lafage R., J. Steinberger, S. Pesenti et al. // Understanding Thoracic Spine Morphology, Shape, and Proportionality / Spine (Phila Pa 1976). 2020. Vol. 45 (3). P. 149-157. DOI: 10.1097/BRS.0000000000003227. PMID: 31513104.

6. Machino M., Nakashima H., K. Ito et al. Age-related degenerative changes and sex-specific differences in osseous anatomy and intervertebral disc height of the thoracolumbar spine / // J Clin Neurosci. 2021. Vol. 90. P. 317324. DOI: 10.1016/j.jocn.2021.06.020. Epub 2021 Jun 21. PMID: 34275569.

7. Mohanty S.P., Kanhangad M., Bhat S.N., Chawla S. Morphometry of the lower thoracic and lumbar pedicles and its relevance in pedicle fixation // Musculoskelet Surg. 2018. Vol. 102, № 3. P. 299-305.

